
	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>		
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:
Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

«Ўзстандарт» агентлигининг  
2020 йил «30» октябрдаги  
103-сон буйруғига  
2-илова

**Коррупцияга қарши курашиш  
ва касбий одоб-ахлоқ  
ҚОИДАЛАРИ**

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

## 1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси (2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк), “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори, га мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Агентлик тизимига кирувчи барча ташкилотлар (кейинги ўринларда – агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар) ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг нормалари, тамойиллари ва хизматдаги хулқ-атворининг қоидаларини белгилайди.

2. Мазкур Қоидалар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, ходимларни юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.


3. Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари, мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этишлари шарт. Мазкур Қоидаларни билиш ва уларга риоя қилиш мажбурияти эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг барча ходимларига нисбатан тадбиқ этилади.

4. Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларида мазкур Қоидалар, касбий хулқ-атвор ёки агентлик ва унинг тизимида ташкилотларида тартиб-таомиллар билан боғлиқ ҳар қандай саволлар пайдо бўлганида улар ўзининг таркибий бўлинмаси ёки Коррупцияга қарши курашиш бўлимига, шунингдек, 71 202-00-11 ички.:1071 ишонч телефониغا маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

## 2-боб. Асосий терминлар ва тушунчалар

5. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

**уруғ-аймоқчилик** – ходимнинг умумий аждодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга субъектив, илтифотли ва ноҳолис муносабатда бўлиш тарзидаги шахсий манфаати;


**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан Агентлик ва тизим ташкилотлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**контрагент** – Агентлик ва тизимидаги ташкилотлар билан шартномавий муносабатларга киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс, меҳнат муносабатлари бундан мустасно;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – Агентлик ва тизимидаги ташкилотларнинг ходими томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий,

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари);

**маҳаллийчилик** – шахсни фақатгина қариндошлиги (қариндошини ҳамма билиши ёки машҳурлиги ва унинг жамоатчилик тан олганлиги) ва бундай шахснинг ҳокимият ваколатига эга бўлган органлардаги қариндошларининг хизмат мавқеи сабабли лавозимга қўйиладиган малака талабларини ҳисобга олмасдан ишга ёллаш, ротация қилиш ҳамда лавозимга тайинлаш;

**непотизм (таниш-билишчилик)** – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига асосиз имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, бироқ қуйидаги вазиятлар билан чекланиб қолмаслик: яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асосиз мукофотлар ҳисоблаш, Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш;


**ҳомийлик** – ён босиш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимини юқорироқ лавозимдаги ходим томонидан ҳимоя қилиниши;

**Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходими** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

**фаворитизм** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходими бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиш, шу билан бирга, Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаториялар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек, иш вақти ва навбатчилик графикларини белгилаш шулар жумласидандир.

### **3-боб. Хизматдаги хулқ-атворнинг асосий тамойиллари ва қоидалари**

6. Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ўз хизмат

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш мuddати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

мажбуриятларини қуйидаги тамойиллар асосида бажаришлари шарт:

**қонунийлик** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига сўзсиз риоя қиладилар ҳамда

ўз хизмат мажбуриятларини мансаб йўриқномалари, меҳнат шартномалари, ички ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бажарадилар;


**фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги** – фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг олий кадрияти бўлиб ҳисобланади. Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймайдилар ва қонунбузарлик бўлган ҳолларда уларни тиклашга кўмаклашадилар;

**ватанпарварлик ва хизмат бурчига содиқлик** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимлари ўз фаолиятини маънавий ва ватанпарварлик кадриятлари, Ватанга садоқат, хизмат бурчига содиқлик асосида жамиятнинг Агентлик ва тизим ташкилотларига бўлган талабини ифодалаган ҳолда амалга оширадилар. Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимлари ўз хизмат бурчларини шахсий хайрихоҳлик, ўз манфаатлари ва мафкуравий қарашларидан қатъи назар бажарадилар;

**давлат ва жамият манфаатларига садоқат** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришга ҳамда давлат ва жамият манфаатларини кўзлашга тўсқинлик қиладиган шахсий манфаатдорлиги таъсири билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари лозим;

**адолат, ҳалоллик ва холислик** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимлари агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларга мурожаат қилган барча шахсларга нисбатан адолатли, ҳалол ва холис муносабатда бўлишни таъминлайдилар;

**профессионаллик ва компетентлилик** – Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг ходимлари агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг асосий кадрияти бўлиб ҳисобланади, уларнинг малакаси,

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

ишончи, эзгу нияти, ҳамкорлиги ва жамоавий руҳи қўйилган мақсадларга эришиш. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг ходимлари профессионаллик, бенуқсон ишчанлик обрўси, жамоада қулай маънавий ва руҳий муҳитни яратишда ёрдам бериш, шунингдек, ҳамкасблари билан самарали билим ва тажриба алмашишни таъминлаши мажбурийдир;

**самарадорлик ва тежамкорлик** – Агентлик ва унинг тизим ташкилотлари ўз фаолияти самарадорлигини оширишни, жумладан, эришилиши жамият ва давлат фаровонлигини ошириш имконини берадиган стратегик вазифалардан бири сифатида ички бошқарув, фуқаролар, ташкилотлар ва давлат органлари билан ўзаро алоқалар тизимини такомиллаштириш, инновацион технологияларни тадбиқ этиш ва бошқа йўллар билан доимий равишда кўриб чиқадилар. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг ходимлари, ўз навбатида, агентлик ва тизим ташкилотларининг мулкига, ўзининг ва бошқа ходимларнинг вақтига масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашадилар.

**4-боб. Ўзига бўйсунувчи ходимларнинг ахлоқий хулқ-атворини шакллантиришда агентлик ва тизим ташкилотларининг роли**


7. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг раҳбарлари ходимларнинг ахлоқий хулқ-атворини шакллантиришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

ўз мансаб мажбуриятларини бажаришда мазкур Қоидаларда белгиланган ахлоқ нормалари ва тамойилларга сўзсиз риоя қилинишида шахсий намуна кўрсатиш;

агентлик ва тизим ташкилотлари ходимлари билан ўзаро муносабатларда ҳалол бўлиш, уларнинг таклифлари, ғоялари, талаблари ва шикоятларига ўз вақтида жавоб бериш;

камситишга оид сиёсатга йўл қўймаслик ва ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш ва хизмат бўйича кўтарилишида тенг ҳуқуқ ва имкониятларга кафолат бериш;

ходимларга уларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказмайдиган шароитларни яратиш;

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

агентлик ва тизим ташкилотлари ходимлари билан муносабатларини узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш, мақсадлар умумийлиги, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, ижтимоий шериклик асосида ўрнатиш;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича ўз вақтида бирламчи чораларни кўриш;

коррупцияни олдини олиш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда фаол қатнашадиган ходимларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича чоралар кўриш;

вазифалар доирасини аниқ белгилаб олиш ва бўйсунувчи ходимлар ўртасида уларнинг мансаби ва касбий лаёқатидан келиб чиқиб тақсимлаш, ходимларнинг лавозим мажбуриятлари доирасидан четга чиқадиган вазифаларни бермаслик;

ходимни асоссиз равишда рағбатлантириш ва лавозим бўйича кўтарилишига йўл қўймаслик, шунингдек, ғайриҳуқуқий ҳаракатларга эътибор бермасликка қарши чоралар кўриш (масалан, ходимлар томонидан


ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш учун етарли даражада чоралар кўрилмаслиги);

ходимларни мажбурий меҳнатда, жумладан, шаҳар ҳудудларини ободонлаштиришда, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида, металл қолдиқларини йиғишда, шунингдек, бошқа мавсумий тадбирларда қатнашишларини олдини олиш (тегишли ташкилот ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан хавфсизлик стандартларига катъий риоя қилинган ҳолда ихтиёрий шанбалик ташкил этилган ҳоллар бундан мустасно);

агентлик ва тизим ташкилотлари ходимларини самарали бошқариш, уларнинг мол-мулки ва молиявий ресурслари билан эҳтиёткор ва тежамкор муносабатда бўлишларини кузатиш;

ўзига бўйсунувчи ходимлар томонидан мазкур Қоидалар бузилишини олдини олишга бўлган ҳаракатсизлиги учун жавоб бериш.

8. Агентлик ва тизим ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек, агентлик ва тизим ташкилотлари бўлим ва бошқармалар бошлиқлари ўзига

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш мuddати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

бўйсунувчи ходимлар билан муносабатларда профессионал, ҳалол ва адолатли хулқ-автор намунаси бўлиши, қулай иш муҳитини яратиши ҳамда агентлик ва унинг тизим ташкилотларида ижобий маънавий-психологик муҳитни шакллантиришга кўмаклашишлари лозим.

Агентлик ва тизим ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, агентлик ва тизим ташкилотлари бўлим ва бошқармалар бошлиқлари непотизм, фаворитизм, маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик ва бошқа белгиларга кўра ходимларни ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш, рағбатлантириш ёки жазолаш, шунингдек, уларга бошқача субъектив муносабатда бўлишга йўл қўймасликлари керак.

**5-боб. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг ходимларини ахлоқ нормалари ва қоидаларга риоя қилиш бўйича мажбуриятлари**

9. Агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда қуйидагиларга мажбурдирлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Агентлик Ҳайъати қарорлари, агентлик Бош директорининг буйруқлари, Агентлик ва тизим ташкилотларининг ички идоравий ҳужжатларини бажариш;


ўз хизмат мажбуриятларини виждонан ва профессионал даражада бажариш;

юқори турувчи давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган фармойишларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш;

ўз фаолиятини қонунчилик ва ички ҳужжатларда белгиланган компетенция доирасида амалга ошириши;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, улар таъсиридан ўз мустақиллигини сақлаб қолиш, фуқаролар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга



	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>	

олиш;

хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилиши ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкӣ ёки бошқа манфаатларга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиш;

хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

ўз ваколатларидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ёки улар мансабдор шахслари фаолиятига ноқонуний аралашиб мақсадида фойдаланмаслик;

турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш;


ходимлар томонидан ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа уйғотиши мумкин бўлган хулқ-автордан ўзини тийиш ва ўз обрўси ёки агентлик ва тизим ташкилотларининг нуфузини таҳдид остига олиши мумкин бўлган вазиятларни олдини олиш;

эгаллаб турган лавозими, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, юқори даражада маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиш, ҳамкасбларига, фуқароларга ва бошқа учинчи шахсларга ҳурмат, хушмуомалалик ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш;

агентлик ва тизим ташкилотларининг иши тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишга кўмаклашиш;

махфий ахборотдан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш, шунингдек, махфий ахборот ва шахсий маълумотларни нобуд қилиш, йўқотиш, ўзгартириш, ошкор қилиш, зарар етказиш, рухсатсиз фойдаланиш хавфидан тегишли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ҳақоратли, ҳурматсиз ва камситувчи хулқ-атворда бўлишга,

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

шунингдек, агентлик ва тизим ташкилотлари ва (ёки) улар ходимларининг обрўсига путур етказадиган зўравонлик ёки ёлғон миш-мишларни тарқатилишига йўл қўймаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулки, моддий-техник базадан ҳамда агентлик ва тизим ташкилотлари бошқа мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш;

хатлар ва хизмат хабарларини етказиш ва олишнинг агентлик ва тизим ташкилотлари белгиланган қоидаларига риоя қилиши;

қонунбузарлик содир этишга ундаб ўзига мурожаат қилган ҳолатлар, шунингдек, агентлик ва тизим ташкилотларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва ўзига маълум бўлган ҳар қандай қонунбузарлик фактлари ҳақида ўз раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсларни зудлик билан хабардор қилиш;

агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг янги ва бошқа ходимларига зарур амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ҳамкасбларини уларнинг касбий интилишларида қўллаб-қувватлаш;

меҳнат интизомига риоя қилиш ва иш вақтидан самарали фойдаланиш;


иш жойида ва (ёки) ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда алкоголь, гиёҳванд ва бошқа тақиқланган воситаларни истеъмол қилишдан, шунингдек, иш жойида алкоголь ёки гиёҳванд воситалар таъсирида бўлиш ҳолатидан воз кечиш;

ҳамкасблари ва бошқа шахслардан танқидни тўғри қабул қилиш, шунингдек, холис эътирозлар бўлганда хулқ-атвор моделини ўзгартириш;

берилган вазифаларни бажаришга ижбодий таъсир кўрсатадиган тинч эмоционал ҳолатда бўлиш.

10. Сиёсий, иқтисодий мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий ва бошқа субъектив сабаблар ходим томонидан мазкур Қоидалар талабларини бузишга асос бўлиб ҳисобланмайди.

11. Меҳнат шартлари ва хизмат туридан келиб чиқиб, ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришида ташқи кўриниши фуқаролар томонидан оммавий ҳокимиятни ҳурмат қилишга кўмаклашиши, умумқабулқилинган иш услубига мувофиқ бўлиши ва расмийлик, камтарлик

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

ва интизомлиликни алоҳида таъкидлаши лозим.

12. Ходимлар ишдан бўш вақтларида умумқабул қилинган ахлоқ нормаларига риоя қилишлари ва ахлоққа зид келувчи хулқ–атвордан ўзларини тийишлари керак.

### **6-боб. Одоб-ахлоқ комиссияси**

13. Мазкур Қоидалар, шунингдек, умумқабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш учун агентлик ва тизим ташкилотларида одоб-ахлоқ комиссиялари ташкил этилади.

14. Одоб-ахлоқ комиссиялари ҳар бир адлия органлари ва муассасаларида қабул қилинган одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомлар, мазкур Қоидалар ҳамда адлия органлари ва муассасалари раҳбарларининг буйруқлари асосида фаолият олиб боради.

15. Одоб-ахлоқ комиссиялари агентлик ва тизим ташкилотлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда агентлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомнинг бузилиши билан боғлиқ масалаларни:


агентлик ёки тизим ташкилотлари раҳбарининг кўрсатмаси бўйича;  
хизмат текшируви натижаларига кўра;

ўз ташаббуси билан;

Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимларидан, шунингдек, агентлик ва тизим ташкилотлари билан алоқа каналлари орқали келиб тушган ахборот асосида кўриб чиқади.

16. Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимлари томонидан мазкур Қоидалар бузилганда ёки бузилишида шубҳа пайдо бўлганида ушбу вазиятларни кўриб чиқиш бўйича ваколат (функция)ларни масъул бўлинмалар ўртасида тақсимлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Агентлик тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда ҳал қилинмаган манфаатлар тўқнашуви аниқланганда, бу вазият Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўлими билан биргаликда кўриб чиқилади; коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки коррупциявий хавф-хатар мавжуд бўлган вазиятлар

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

аниқланганда, улар Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан кўриб чиқилади;

совғалар ва иш муомаласида меҳмондўстлик белгиларига оид қоидалар бузилганида, ушбу вазиятлар Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан кўриб чиқилади;

Коррупцияга қарши курашиш бўлими Одоб- ахлоқ комиссияси билан биргаликда, агар қоидабузарликлар нафақат мазкур Қоидаларга, балки Одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларида Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлимининг иштироки бевосита назарда тутилган агентлик ва тизим ташкилотларибошқа ички хужжатларига тегишли бўлса, мазкур Қоидаларни бузиш фактлари ва хавф-хатарларини кўриб чиқади.


Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳолларда ушбу Қоидалар талабларининг бузилиши Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

### **7-боб. Одоб-ахлоқ соҳасида қонунбузарликлар ҳақида хабарлар**

17. Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимлари ва бошқа шахсларда Агентлик ва тизим ташкилотларининг ходимлари ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) ахлоқийлигида шубҳа пайдо бўлганда, одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишида эҳтимол тутилган ёки уларни содир этилганлиги факти бўйича асосли гумони бўлганда, бу ҳақда Агентлик ва тизим ташкилотларининг мавжуд алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

18. Агентлик ва тизим ташкилотлари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қонунбузарлик ҳақида ишончли ахборот берган шахснинг махфийлигини таъминлайдилар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

19. Агентлик ва тизим ташкилотлари ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ва қасос олиш, жумладан, ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, агентлик ва унинг тизим ташкилотлари бошқа ходимининг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Қоидалардаги одоб-ахлоқ нормалари ва тамойилларини бузиш эҳтимоли ҳақида ихтиёрий хабар

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

берган ходимларни таъқиб қилишга йўл қўйилмаслигига кафолат беради.

20. Мазкур Қоидаларнинг бузилиши ҳақидаги хабарлар қуйидаги алоқа каналлари орқали берилиши мумкин:

21. Агентлик ва тизим ташкилотларининг ходимлари учун –71 202-00-11 “1071” телефони ёки бевосита коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлимига;

Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимларининг телефонларига ҳамда девонхонага;

жисмоний ва юридик шахсларга –71 202-00-11 “1071” телефони ёки агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг бошқа телефонларига;

Telegram-каналига ҳамда агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг бошқа Telegram-каналларга/

22. Агентлик ва тизим ташкилотларининг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар масъул бўлинма/агентлик ва тизим ташкилотларининг мансабдор шахси томонидан қонунчилик ва агентлик ва тизим ташкилотлари ички ҳужжатларига мувофиқ ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилади.


23. Кўриб чиқишга, шунингдек, аноним тарзда (фақат агентлик ва тизим ташкилотларининг Telegram-канали орқали) йўлланган хабарлар ҳам қабул қилинади. Аноним бўлиб қолишни истаган арз қилувчи бундай ҳолда қуйидагиларга рози бўлади:

агентлик ва тизим ташкилотлари келиб тушган хабарга жавоб бериш учун у билан боғлана олмайдилар;

агентлик ва тизим ташкилотлари зарур қўшимча маълумот олиш имкони бўлмаганлиги туфайли хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама текшира олмайдилар.

24. Агентлик ва тизим ташкилотларининг ходими томонидан била туриб ёлғон маълумот берилиши мазкур Қоидаларнинг бузилиши ва ғайриахлоқий хулқ-атвор намунаси сифатида қаралади, бундай шахс эса қонунчилик ҳамда агентлик ва тизим ташкилотлари ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

25. Алоқа каналларининг иши ва олинган хабарларни кўриб чиқиш/қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумот агентликга

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

коррупциявий ҳаракатлар ҳақида хабар бериш учун алоқа каналларидан келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламентида ҳамда Агентлик ва тизим ташкилотларининг шунга ўхшаш ички ҳужжатларида акс эттирилган.


### **8-боб Яқуний қоидалар**

26. Ходимлар томонидан мазкур Қоидаларга риоя қилиш муҳим касбий компетенция сифатида қаралади ва бошқа мезонлар қаторида лавозимини кўтариш, фаолиятини баҳолаш ва ҳ.к.ларга хизмат қилади.

27. Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимининг обод-ахлоқ стандартларига содиқлик аттестацияда, юқори турувчи ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини тайёрлашда инобатга олинади.

28. Агентлик ва тизим ташкилотларининг ходими томонидан мазкур Қоидаларнинг бузилиши уни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиши мумкин.

29. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг тамойиллари ва талабларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда мазкур Қоидалар Агентлик ва тизим ташкилотларининг буйруғига асосан қайта кўриб чиқиши ва янгиланиши лозим.

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

1-Илова

## **Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида**

### **НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги «Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларнинг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»га 62-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш (Ўзстандарт) агентлиги ва унинг тизимига кирувчи барча ташкилотлар (кейинги ўринларда – Агентлик ва тизим ташкилотлари деб аталади) Одоб-ахлоқ комиссиясиларининг фаолият тартибини белгилайди.


2. «Ўзстандарт» агентлигида «Ўзстандарт» агентлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларнинг Одоб-ахлоқ комиссияси фаолият кўрсатади.

3. Барча Одоб-ахлоқ комиссиялари мазкур Низом асосида фаолият кўрсатади.

4. Одоб-ахлоқ комиссиялари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига, ушбу Низомга, «Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг буйруқларига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

#### **II. Комиссиянинг мақсади, вазифалари ва функциялари**

5. Одоб-ахлоқ комиссиясининг (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) мақсади Агентлик ва тизим ташкилотлари ходимларининг (кейинги ўринларда ходимлар деб аталади) юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

хужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, лавозим мажбуриятларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этилиши учун «Ўзстандарт» агентлиги ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) нормаларининг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бундай ҳолатлар содир этилганда, уларни кўриб чиқишдан иборат.

6. Қуйидагилар комиссиянинг мақсадини амалга ошириш учун унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини назорат қилиш;

2) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни кўриб чиқиш;

3) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш;

4) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги комиссия аъзоларининг ташаббуслари билан билдирилган ҳолатларни ҳамда бу борада меҳнат жамоаси вакилларининг (ходимларнинг) билдиришларини кўриб чиқиш;


5) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилот раҳбарлари ҳамда судлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва юқори давлат органларининг хабарлари, кўрсатма ва топшириқларини кўриб чиқиш;

6) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг хабарлари ва таклифлари кўриб чиқиш;

7) ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишига мажбур аҳволга тушганлиги ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиш;

8) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя



	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

қилиниши юзасидан келиб чиқадиган бошқа вазифалар.

7. Комиссия ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини назорат қилиш йўналишида;

а) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши борасида умумий ҳолда кузатув, мониторинг ва назорат тадбирлари олиб боради;

б) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш учун зарур текширишлар ташкил этади;

в) «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилотлари раҳбарларига ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;


г) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини кузатиш, назорат қилиш ва текшириш ҳамда таклифлар киритиш учун тегишли таркибий тармоқлар ва бўлимлардан зарур ҳужжатларни олиб ўрганади;

д) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш мақсадида уларнинг шахсига ва мулкига доир ҳужжатларни олиб ўрганади;

е) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинаётганлигини ўрганиб бориш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги ва тизим ташкилотлари номидан зарур маълумот ва ҳужжатларни олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларига, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига сўровномалар юборади;

ж) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишларини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритади, зарур ҳолларда ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

з) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини таъминлаш учун меҳнат жамоаси ўртасида ходимлар билан

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

умумий ва якка тартибдаги профилактик тадбирлар ўтказади.

2) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни кўриб чиқиш йўналишида:

а) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлигига доир оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни ўрганиб боради, бу борада «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги оммавий ахборот воситалари билан ишлаш тармоқларига топшириқлар беради;

б) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлигига доир газеталарда чоп этилган мақолалар, радиода берилган эшиттиришлар ҳамда телевиденияда намоёиш этилган кўрсатувлар юзасидан текширишлар ташкил этади;

в) зарур ҳолларда, ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши борасида оммавий-ахборот воситалари билан ҳамкорликдаги ишларини амалга оширади;

3) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги мурожаатларни кўриб чиқиш йўналишида:


а) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг (вакилларининг) қабулини ташкил этади;

б) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан текширишлар ўтказилади;

4) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақидаги комиссия аъзоларининг ташаббуслари билан билдирилган ҳолатларни ҳамда бу борада меҳнат жамоаси вакилларининг (ходимларнинг) билдиришларини кўриб чиқиш йўналишида:

а) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши юзасидан комиссия аъзоларининг ташаббуслари билан билдирилган ҳолатлар юзасидан текширишлар ўтказилади;

б) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини ўрганиб бориш юзасидан меҳнат жамоаси вакилларини

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

(ходимларнинг) қабулини ташкил этиб боради;

в) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлигига доир меҳнат жамоаси вакилларининг (ходимларнинг) билдиришлари юзасидан текширишлар ўтказилади;

5) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва юқори давлат органларининг хабарлари, кўрсатма ва топшириқларини кўриб чиқиш йўналишида:


а) барча комиссиялар ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши юзасидан «Ўзстандарт» агентлиги Бош директорининг кўрсатма ва топшириқлари бўйича текширишлар ўтказилади ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда берилган топшириқ ва кўрсатмадан келиб чиқадиган вазифаларни бажаради;

б) тизим ташкилотлари комиссияси ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши юзасидан тизим ташкилотлари раҳбарларининг кўрсатма ва топшириқлари бўйича текширишлар ўтказилади ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда берилган топшириқ ва кўрсатмадан келиб чиқадиган вазифаларни бажаради;

в) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва юқори давлат органларининг хабарлари, кўрсатма ва топшириқлари юзасидан текширишлар ўтказилади ва чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда берилган топшириқ ва кўрсатмадан келиб чиқадиган вазифаларни бажаради;

г) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини таъминлаш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликни ташкил этади, юқори давлат органларига ахборотлар тайёрлайди;

б) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг хабарлари ва таклифлари кўриб чиқиш йўналишида:

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

а) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинмаганлиги ҳақида Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг хабарлари юзасидан текширишлар ўтказилади;

б) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши таъминлаш юзасидан Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органларининг таклифлари бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқади;

в) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши таъминлаш юзасидан Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимият органлари билан ҳамкорликни ташкил этади;

7) ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишига мажбур аҳволга тушганлиги ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиш йўналишида;


а) тизим ташкилотлари раҳбарларидан бўйсунувидаги ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларини бузишига мажбур аҳволга тушган-тушмаётганлиги ҳақида маълумотларни олиб боради;

б) ходимнинг Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишига мажбур аҳволга тушганлиги ҳақидаги бевосита ходимнинг ўзи томонидан берилган мурожаатни ёки келиб тушган маълумотни кўриб чиқишда ушбу Низомнинг 7–банди бандида берилган ваколатларидан фойдаланган ҳолда бу ҳолатнинг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни кўради ва натижаси ҳақида раҳбариятга ахборот беради.

8) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилиниши юзасидан бошқа вазифаларни бажараш йўналишида:

а) келиб чиқадиган вазифалар мазмунига кўра «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилотлари раҳбарларининг кўрсатмаси асосида иш юритади.

8. Комиссия ўзига юклатилган барча вазифаларни бажаришда ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини назорат қилиш йўналишида (7-банднинг 1-кичик бандида) белгиланган функциялардан

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

фойдаланади.

### **III. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

9. Комиссия ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини таъминлаш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) «Ўзстандарт» агентлиги ва тизим ташкилотларига келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш учун биринчи навбатда олиш;

б) «Ўзстандарт» агентлиги ва тизим ташкилотларининг мансабдор шахслари ва ходимларидан комиссияга юкланган вазибалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган хизматда фойдаланишга, ишлаб чиқаришга ва молия-хўжалик фаолиятига доир ҳар қандай ҳужжатлар ва маълумотларни олиш;

в) кўриб чиқиладиган масаладан келиб чиқиб, ходимларнинг ушбу масалага дахлдор деб топилган шахсий ва мулкига доир ҳужжатлари ва маълумотларини ўрганиш учун олиш (ўрганилгандан кейин қайтариш шарти билан);

г) ходимлардан ёзма равишда тушунтиришлар олиш;

д) жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларидан уларнинг розилиги билан ёзма равишда тушунтириш ёки билдиришлар олиш ёхуд улар билан оғзаки суҳбатлар ўтказиш.


е) ўтказиладиган йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда қатнашиш;

ж) текширувлар ўтказиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бошқа заруриятларда комиссия таркибида бўлмаган бошқа раҳбарлар ва ходимларини текширувлар ўтказишга, чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ва бошқа заруриятларни амалга ошириш тадбирларига жалб қилиш;

з) текшириш ўтказиш шакллари ва усуллари мустақил белгилаш;

и) зарур ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил аудиторлар ва мутахассислар билан ҳамкорликни амалга ошириш;

й) тизим ташкилотларида «Ўзстандарт» агентлиги ваколатга кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

к) тизим ташкилотларининг қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари нормалари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаётган раҳбарлари ва ходимларини комиссияда кўриб чиқиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш;

к) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ёки юқори давлат органлари ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги ва тизим ташкилотлари томонидан ҳудудий ва таркибий тармоқлар, бўлимларда ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда қатнашиш ҳамда аниқланган Одоб-ахлоқ қоидалари нормалари бузилиши ҳолатларини комиссияда кўриб чиқиш ҳақида раҳбариятга таклифлар киритиш.

л) ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини таъминлаш юзасидан комиссия йиғилишларини ўтказиш, бу борада барча ходимлар учун мажбурий бўлган тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш.

10. Комиссия ўзига юклатилган вазифалар ва функциялардан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Комиссия ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига риоя қилинишини таъминлаш қуйидагиларга мажбур:


а) унга ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида юкланган вазифаларни зарур даражада ва самарали бажариши;

б) тизим ташкилотларида ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари нормалари бузилиш ҳолатлари аниқланганда, бу ҳақда зудлик билан раҳбариятга хабар бериши;

в) текширув ўтказишда қонун ҳужжатларига ва ушбу Низом талабларига қатъий амал қилиши;

г) ўтказилган текширув натижаларига доир хулосалар нусхаларининг белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

д) ўз вазифаларини бажариш пайтида комиссияси аъзоларига маълум бўлган махфий ва ходимлар шахсига оид сир сақланадиган ҳамда меҳнат жамоасининг ишчанлик муҳитига салбий таъсир қиладиган маълумотларни

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

ошкор қилмаслиги;

е) текширишларни ўтказиш пайтида комиссия текширув мавзусига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни пухта текшириши;

ж) ходимларга ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот бериши ва уларнинг ўзини ҳимоя қилиш учун тақдим этган далилларини чуқур ва тўлиқ текшириши;

з) текширув ўтказилаётган вақтда ҳужжатларнинг бут ва тўлиқ сақланишини таъминлаши шарт.

**12.** Комиссия ўзига юклатилган вазифалар ва функциялардан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**13.** Комиссия ўз фаолиятида Одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланган қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойлик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва холислик ҳамда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик принципларига қатъий риоя этишлари шарт.


#### **IV. Комиссиянинг ишини ташкил этиш**

**14.** Комиссия 7 кишидан иборат таркибда тузилади. Унинг шахсий таркиби тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тегишлича тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

**15.** Комиссиялар ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

**16.** Комиссия таркибига қоида тариқасида меҳнат фаолиятида намунали, ўз касбига содиқ ва хизмат вазифасини виждонан бажариб келаётган ходимлар киритилиди. Интизомий жазоси мавжуд, шунингдек, комиссия аъзолиги бўлмаган ёки вақтинчалик асосда аъзоликда бўладиган ходим комиссия таркибида фаолият кўрсатишига йўл қўйилмайди.

**17.** Комиссия аъзоларидан бири Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги ҳақидаги маълумот кўриб чиқилаётганда комиссиядаги фаолиятидан вақтинча четлатилади, унинг Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги тасдиқланганда комиссия аъзолigidан чиқарилади.

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

18. Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатлари ҳақидаги ҳар қандай маълумот, мурожаат ва хабарлар кўриб чиқиш учун комиссияга йўналтирилади.

19. Комиссияда мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган вазифалар юзасидан рўйхатга олиш ва қайд қилиш китоблари, ҳужжатлар йиғма жилди юритилади.

20. Комиссиянинг иш юритиш ҳужжатлари (қайд қилиш ва рўйхатга олиш китоблари, фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлари) комиссия раиси томонидан белгиланган ходим томонидан (қоида тариқасида, кадрлар бўйича масъул ходим комиссия таркибига киритилганда, мазкур ходим) сақланади ва юритилади.

21. Комиссия томонидан тегишли ҳолат бўйича масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айтилган вақтда тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ёки тизим ташкилотлари раҳбарлари кўриб чиқиши учун қоидалар бузилишини содир этган Агентлик ва тизим ташкилоти хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади.


22. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда комиссия ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

23. Комиссия томонидан ўтказилаётган текширишлар хизмат текшируви тарзида ўтказилади ва унинг якунига кўра хулоса тузилиб, комиссия аъзолари ўз муносабатларини билдирган ҳолда имзолагандан кейин комиссия раиси томонидан тасдиқланиб, муносабат билдириш учун тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ёки тизим ташкилоти раҳбарига киритилади.

24. Комиссия томонидан ўтказилаётган текшириш ва чора-тадбирлар ҳамда бошқа кўриб чиқилаётган масалалар комиссия раиси белгилайдиган тартибда барча комиссия аъзолари томонидан биргаликда ёки бир неча аъзолари ёхуд бир нафар аъзоси томонидан амалга оширилиши мумкин.

25. Зарур ҳолларда, комиссия томонидан ўтказилган текшириш ва чора-



	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

тадбирлар ҳамда бошқа кўриб чиқиш натижалари (хулосалар) комиссия йиғилишида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади. Комиссия йиғилишларида комиссия раиси томонидан белгиланган ходим унинг баённомасини юритади.

26. Ўтказиладиган хизмат текшируви тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилоти томонидан белгиланган муддатда ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан 20 кун ичида яқунланиши лозим.

Шунингдек, хизмат текшируви натижаси бўйича хулоса қилиш молия-хўжалик фаолиятни тафтиш этиш ёки бошқа текширишга ёхуд қўзғатилган жиноят иши натижасига боғлиқ бўлса, бу муддат инобатга олинмайди.

27. Комиссия иши тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан ёки уларнинг топшириқлари асосида комиссия раиси томонидан ташкил этилади.

28. Комиссия раиси хулоса ва қабул қилинган қарорларни тасдиқлайди, уни тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори ва тизим ташкилотлари раҳбарларига киритади, комиссиянинг барча фаолияти ушбу Низом асосида олиб борилишига масъул ҳисобланади.

#### **V. Комиссия Хулосаси**

29. Комиссия ўтказган хизмат текшируви натижаларига кўра текширувни яқунланган деб ҳисоблайди ва хулоса қабул қилади.


30. Хулоса қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт.

Хулоса ушбу Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига амал қилинган ҳолда қабул қилинган бўлса, қонуний деб эътироф этилади.

Хулоса Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг ёки бузилмаганлигининг ҳақиқий ҳолатлари ҳар томонлама, тўла ва тегишли ҳужжатлар билан ҳақиқатга монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилади.

Хулоса фақат хизмат текширувида текширилган далиллар билан асосланади.

Хулоса ходим томонидан Одоб-ахлоқ қоидаси бузилишига доир содир

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш мuddати:	<b>3 йил</b>	Тахрир:	<b>1</b>

этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг даражаси ва текширилган далилларга асосланилганлиги эътиборга олиниб, қоида бузилиши ёки бузилмаганлиги исботланган ҳолда қабул қилинган бўлса, адолатли деб эътироф этилади.

31. Хулоса кириш, тавсиф ва хулоса (қарор) қисмларидан иборат бўлади.

1) Хулосанинг кириш қисмида:

а) хулоса қачон ва қаерда чиқарилганлиги;

б) хулоса қабул қилган комиссиянинг номи, таркиби;

в) Одоб-ахлоқ қоидалари бузилиши ҳақида келиб тушган маълумот ёки муурожаатлар мазмуни ҳамда хизмат текширувига ўтказилишига бўлган асослар;

г) ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи ва лавозими, маълумоти, оилавий аҳволи ва унга тегишли аҳамиятли бошқа маълумотлар кўрсатилади.

2) Хулосанинг тавсиф қисмида:

а) хулоса қабул қилиш учун келтирилган далиллар ва уларга берилган баҳолар;

б) Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг ёки бузилмаганлигини исботловчи хужжатлар ва бошқа асослари ва сабаблари;

в) асосланилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ва ички меъёрий ва раҳбарий хужжатлар;


г) исбот этилган деб эътироф этилган Одоб-ахлоқ қоидаси бузилишининг (бузилмаганлигининг) тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, шакли, унинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилади.

3) Хулоса (қарор) қисмида:

а) хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда иш жойи ва лавозими;

б) Одоб-ахлоқ қоидаси бузилган ёки бузилмаганлиги тўғрисидаги қарор;

в) интизомий ёки бошқача тарздаги жавобгарлик чораларини кўриш лозимлиги ҳақидаги таклиф;

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

г) Одоб-ахлоқ қоидаси бузилган, лекин интизомий ёки бошқача тарздаги жавобгарлик чораларини кўриш ҳақида таклиф киритилмаганда огоҳлантириш билан чекланиш ҳақидаги қарор;

д) зарур деб топилганда қўшимча таклифлар киритилади.

32. Қоида тариқасида, хулоса қисми қуйидаги таҳрирда акс эттирилади:

- (ходимнинг иш жойи ва лавозими ҳамда исми-шарифи кўрсатилади) томонидан Одоб-ахлоқ қоидаси бузилган (бузилмаган) деб ҳисоблансин.

- (ходимнинг иш жойи ва лавозими ҳамда исми-шарифи кўрсатилади) интизомий жазога лойиқ (лойиқ эмас) деб топилсин.

- (ходимнинг иш жойи ва лавозими ҳамда исми-шарифи кўрсатилади) Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланилсин (ушбу қарор интизомий жазога лойиқ эмас деб топилганда қабул қилинади).

- (қўшимча таклифлар бўлса, унинг баёни келтирилади) ҳақида таклиф киритилсин.

- ушбу хулоса кўриб чиқиш учун (тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги ёки тизим ташкилоти раҳбарига) тақдим этилсин.

33. Хулосага комиссия аъзолари қўшилганда, унга ўз имзоларини қўйган ҳолда тасдиқлайдилар. Хулосага қўшилмаган аъзолар ўз эътирозларини асослантирилган ҳолда ёзма равишда беришлари лозим.


34. Хулосага комиссия аъзоларидан 4 нафари қўшилганда, у қабул қилинган ҳисобланади ва берилаётган таклиф сифатида тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ёки тизим ташкилоти раҳбарига киритилади.

35. Хулосага комиссия аъзоларидан 4 нафари қўшилмаганда, у қабул қилинмаган ҳисобланади ва бу ҳақда тегишлича «Ўзстандарт» агентлиги бош директори ёки тизим ташкилоти раҳбарига ахборот берилади.

#### **VI. Комиссиянинг жавобгарлиги**

36. Комиссия қабул қилган қарорлари ва хулосаларининг ушбу Низом ва қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

37. Комиссия аъзолари ўз Низом талаблари, хусусан, вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>


конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **VII. Яқуний қоидалар**

38. Ходимлар ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек комиссиянинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

39. Тизим ташкилотлари комиссияси қароридан норози бўлиб берилган шикоят «Ўзстандарт» агентлиги комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва мазкур комиссия қабул қилган қарор яқуний ҳисобланади.

40. Комиссия қарорлари бўйича ходимлар якка меҳнат низолари комиссияси ёки бошқа вакиллик органига ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд судга шикоят қилишлари мумкин.

	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати</b>			
	Хужжат номи:	<b>Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ ҚОИДАЛАРИ</b>	Хужжат белгиси:	<b>02</b>
	Амал қилиш муддати:	<b>3 йил</b>	Таҳрир:	<b>1</b>

2-Илова

**“Ўзстандарт” агентлиги одоб-ахлоқ комиссияси  
ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Ф.И.Ш.</b>	<b>Лавозими</b>
1.	Д.Каттаходжаев	Бош директор биринчи ўринбосари, комиссия раиси
<b>Аъзолари</b>		
2.	Ж.Шукуров	Бош директори ўринбосари
3.	Р.Киямов	Бош директори ўринбосари
4.	Лавозим бўйича	Агентлик тизимида коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими бошлиғи
5.	А.Сулаймонов	Ижро этувчи органлар ва тузилмалар ишини назорат қилиш ва баҳолаш ички аудити бошқармаси бошлиғи
6.	Ш.Уринов	Юридик бўлим бошлиғи
7.	Б.Инагамов	Кадрлар бўлими бошлиғи

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда Комиссия таркибига уларнинг лавозимиغا янги тайинланган шахслар киритилади.